



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 17 сентябрь, № 183 (4593) • Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида

Қонунилик палатаси томонидан 2008 йил 14 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 29 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **135-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«135-модда. Одам савдоси

Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиб ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уш ҳаракатлар:

- а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашни бошқа шакллари қўллаш орқали;
- б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- в) оғир ахволдаги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;
- г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

д) тақдоран ёки хавфли рецедивист томонидан;

е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб;

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабранувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга ҳилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабранувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уш ҳаракатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабранувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ўш хавфли рецедивист томонидан содир этилган бўлса;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўлаб содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

2) **саккизинчи бўлим** қуйидаги мазмундаги атама билан тўлдирилсин:

«**Одамлардан фойдаланиш** — бошқа шахсларнинг фойдаланишдан фойдаланиш ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2008 йил 16 сентябрь
№ УРҚ — 179

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», дейилади. Дарҳақиқат, Бош Қонунимизнинг алоҳида бир боби айнан оилага бағишланган.

▼ Ифтихор

Унда фарзанд, ота-она ва давлат муносабатлари, улар ўртасидаги ҳуқуқ ва бурчлар, ўзаро ғамхўрлик ва муҳофаза масалалари кафолатлари хусусида гап боради. Хар бир субъектнинг бурч ва вазифалари белгилаб берилди. Шу тўғрисида мамлакатимизда оилага бўлган муносабат Конституциямизда белгиланган ушбу тамойиллар асосида амалга оширилмоқда.

Аслида бу тамойиллар ҳам халқимизнинг миллий менталитети, урф-одатлари, қадриятлари асосида таркиб топган. Негаки, ўзбек ҳамма эртанги кунни ўйлаб яшайди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Ахир оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда оқилоллик ва барқарорлик ҳукм суради». Мамлакатимизда оила фаровонлигини таъминлаш ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш давлатимизнинг бош сибсатига айланганлигининг боиси ҳам ана шунда.

Оила — муқаддас қўрғон. Бу қўрғонни тиклаш ва ҳимоя қилишда ФХДХ ходимларининг ҳам ҳиссаси бор. Негаки, ёшларимизнинг ҳаётига илк қадамлари айнан ушбу даргоҳ оstonасидан бошланади. Пойтахтимиздаги Миробод тумани ФХДХ бўлими ходимлари ҳам ёш оилаларнинг бахтли келажакига кафолат берувчи шаҳодатномага ана шу ерда муҳр босадилар.

— Ниқоҳчи қайд этиш лаҳзаларида биз томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига



асослаб, янги оиланинг ҳуқуқий мақоми эълон қилар эканмиз, — дейди мазкур туман ФХДХ бўлими мудири Н. Мирзааҳмедова, — уларга бу муқаддас қўрғонни асраб-авайлашларини, улуг Ватанимиз ушбу мўъжиз оstonадан бошланиши-

ни қайта-қайта ўқирамиз. Нафақат ўқирамиз, ёш оилаларнинг кейинги тақдирлари билан ҳам қизиқамиз, таълим-тарбия муассасалари, маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказамиз. Токи ёш оилалар янада мустаҳкам бўлсин,

токи улар Конституциямизнинг ўзларига берган кафолатни астойдил сезинлар.

СУРАТДА: ФХДХ ходимлари навбатдаги тадбир олдидан. Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.

«ЎЗБЕКISTON — БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ — ҲАМФИКРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, ҲАМКОРЛИК»

Яқинда Тошкентда нашрдан чиққан китоб ана шундай номланган. Унинг муаллифи — Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаённинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Муҳаммад Аҳмад Султон Йиса ал-Жобирдир.

Ўзбек ва араб тилларида босмадан чиққан нашр муаллифининг кириш сўзи билан очилади. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Тошкентга келганимдан буён Ўзбекистон халқининг бағрикенглиги ва меҳмоннавозлигидан қалбимда ажиб бир ийлик ва хотиржамлик ҳиссини туйиб келаман. Орауим, ўзбек тилини ўрганиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига ўз ҳиссамни қўшишдир».

Сўнгра китобхонлар эътиборига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг жорий йил 17-18 март кунлари БААга буюрган таширифи, Ўзбекистон — БАА ҳамкорлиги, БАА тарихи ва бугунги кунига бағишланган туркум мақолалар ҳавола этилади.

Президент Ислон Каримовнинг БААга расмий таширифи ҳақида ҳикоя қилувчи мақола ранг-баранг суратлар билан безатилган бўлиб, унда икки мамлакат халқлари ўртасидаги муносабатлар кўп йиллик тарихга эга экани, Ўзбекистон БААни Форс кўрфазидидаги муҳим шерикларидан бири сифатида билиши таъкидланади.

«Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликлари билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликини кенгайтиришдан манфаатдор эканини, амирликларини Форс кўрфазидидаги муносабатларига йўл очувчи ўзига хос кўпrik сифатида қарашини таъкидлади, — деб ёздади муаллиф. — Ўз навбатида, БАА Президенти Ўзбекистон билан ҳамкорлигини юқори баҳолаб, Ўзбекистон раҳбарининг таширифи икки мамлакат муносабатларини сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришга имкон беришига ишонч билдирди».

Муаллиф, шунингдек, Ўзбекистон Пре-

зидентининг таширифи доирасида ўлкачилар учрашувларда БАА сармоядорларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда хусусийлаштириш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш муҳимлигини таъкидлаганига эътибор қаратади.

Таширифининг эътиборига молик лаҳзалари акс этган фотосуратлар билан безатилган яна бир мақоладан Президент Ислон Каримовнинг БАА давлат арбоблари билан ўтказган учрашува ва музокаралари ҳамда таширифи доирасида икки

▼ Биз ва дунё

мамлакат ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган ҳужжатларнинг имзоланиши ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Нашрдан, шунингдек, БААга амалга оширилган таширифа бағишлаб жаҳоннинг етакчи оммавий ахборот воситаларида чоп этилган репортажлар, турли мамлакатлар таҳлилич ва экспертларининг бу борадаги фикрлари ҳам эълон қилинган.

Жумладан, Саудия Арабистонининг «Ал-Жазира» газетаси таширифи ёритиб, Ўзбекистон араб дунёси билан ўз алоқаларини изчил ривожлантириб бораётганига эътибор қаратади.

«Бу жараёнда БАА муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди нашр. — Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари жуғрофий жиҳатдан бир-биридан анча олисда жойлашганига қарамай, уларни муштарак тарихий илдишлар боғлаб туради, мамлакатлар бир-бирига минтақадаги нуфузли давлатлар сифатида қарайди».

Хитойнинг «Синьхуа» ахборот агентлиги вазирлик ва идоралар даражасида олиб борилган музокаралар натижаларига алоҳида тўхталиб, «сўнгги йилларда икки мамлакат таширифи ва идоралар ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга қаратилган кўплаб ҳужжатлар имзоланиши таъкидлайди.

Россиянинг «Интерфакс» ахборот агентлиги таширифи якунларини шарҳлаб, икки давлат раҳбарлари турли йўналишларда, жумладан, сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолатидан қониқиб изҳор этганини қайд этади.

Нашр саҳифаларидан, шунингдек, БААнинг раҳбарияти, жумладан, БАА биринчи президенти, муҳим шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён, ҳозирги президент шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён, БАА вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рашид Ол Мактум, БАА ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён ва бошқаларнинг ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақидаги қисқача маълумотлар ўрин олган.

Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тарихи ва бугунги кунига бағишланган мақола орқали ўқувчилар икки мамлакат ҳамкорлигининг эътиборли жиҳатлари ҳақида билиб олишлари мумкин.

«Амирликлар 1991 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди. 1992 йилнинг октябрида мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Урганч шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган аънанавий «Келажак овози» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Иқтидорли ёшлар тақдирланди

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида галиб деб топилган 244 нафар йилгит-қиз ўз истеъодини синовдан ўтказди. Танловнинг вилоят босқичида эса 41 нафар ёш галибликни қўлга киритиб, республика босқичига йўллана олди.

Кунги кеча «Авесто» ёдгорлик маҳмутида танловнинг вилоят босқичи галиблирини тақдирлаш маросими ўтказилди. Фойлиларни вилоят ҳокими О. Оллабергенов қўлади. Иқтидорли ёшларга махсус диплом ва совғалар топширилди. Санъаткорлар иштирокидаги музикавий дастур тантананага ўзгача кўтаринкилик бағишлади. Тадбир чинакам маънода ёшлик, гўзаллик, истеъоддорлар байрамига айлана кетди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тайлоқ туманидаги «Адаграинвест» қўшма корхонасида хорижга маҳсулот сотиш миқдори йил сайин ошиб бораёпти. Жорий йилнинг биринчи ярмида экспорт ҳажми 2 миллион АҚШ долларига етди.

Экспорт ҳажми ошмоқда

Бу шу даврда ишлаб чиқарилган жами маҳсулотнинг 95 фоизини ташкил этади.

— Бизда икки турдаги вино маҳсулотлари тайёрланади, — дейди корхона бош технологи Карим Обломуродов. — Асосий миқозларимиз Россия, Украина ва Қозоғистон мамлакатлари ишбилармонларидир. Улар билан йил мобайнида ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома туздиқ.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Дўст билан обод уйинг» мавзуда республика болалар фестивали бўлиб ўтди.

Дўст билан обод уйинг

Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган иштирокчилар тадбирнинг биринчи кунини Жиззахнинг диққатга сазовор жойлари, жумладан, ўқувчилар саройи, болалар ихтиёрий маркази фаолияти билан танишдилар.

Фестивалнинг асосий қисмида эса ўқувчи ёшлар миллатлар дўстлигини тараннум этувчи, миллий қадриятларини улғувчи ранг-баранг дастурларни намойиш қилишди. Айниқса, халқ амалий санъати, хунармадчилиги намуналари барчада катта таассурот қолдирди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ



2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида республикада мавжуд ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **130,2** фоиз ўсди.

Аҳолини озиқ-овқат товарлари билан барқарор таъминлаш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўрилгани, хусусан, ун, нон ва нон маҳсулотлари, шакар, ўсимлик ёғи, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш миқдори сезиларли даражада оширилгани тўғрисида шундай ўсишга эришилди.

Бир рақам шарҳи

